




**Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси
Коррупцияга қарши курашиш
ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси**



**Ўзбекистон Республикаси
Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси**

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатасининг Коррупцияга
қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари
бўйича қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси
Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси
ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик**

М Е М О Р А Н Д У М И

Тошкент – 2025 йил

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг
Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари бўйича
қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш
академияси ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик
МЕМОРАНДУМИ**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари бўйича қўмитаси (кейинги ўринларда – Қўмита) бир томондан ва Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси (кейинги ўринларда – Академия) иккинчи томондан, биргаликда Тарафлар деб аталувчилар,

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2019 йил 14 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасини ташкил этиш тўғрисида”ги 2412–III-сонли қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 ноябрдаги “Жиноятларни тергов қилиш соҳасида малакали кадрларни тайёрлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ–257-сонли Фармони ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган муштарак мақсад ва вазифаларга асосланиб,

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенцияси коррупциянинг олдини олиш ва унга барҳам бериш соҳадаги саъй-ҳаракатлар самарадорлигини таъминлаш учун давлат ташкилотлари бир-бири билан ҳамкорлик қилиши лозимлиги, шунингдек коррупцияни рад этадиган маданиятни шакллантиришга кўмаклашиш тамойили эътироф этилганлигини инобатга олиб,

Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни билан ҳамкорликда доимий асосда коррупция соҳасида тадқиқотлар ўтказиши белгиланганлигини назарда тутиб,

қонун лойиҳаларини ишлаб чиқишда олим ва мутахассислар фикрини инобатга олинишини таъминлашга алоҳида эътибор қаратиб,

кенг қамровли идоралараро ҳамкорлик коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олишга қаратилган давлат сиёсатининг самарадорлигини оширишини қайд этган ҳолда,

ўзаро ҳурмат ва ишонч, умумий манфаат ва мақсадлар, масъулият ва ҳолислик принципларига таянган ҳолда, қуйидагилар ҳақида келишиб олдилар:

1-модда. Меморандумнинг мақсади

Ушбу Меморандумдан кўзланган асосий мақсад коррупцияга қарши курашиш, суд-ҳуқуқ масалалари бўйича қонунчиликни такомиллаштириш, қонун ижодкорлиги жараёнида олимлар ва мутахассислар иштирокини кенгайтириш, ушбу соҳаларда тизимли таҳлилларни амалга ошириш, шунингдек тадқиқот ва таҳлил натижалари юзасидан таклифлар тайёрлаш, ҳуқуқни қўллаш фаолиятини тизимли равишда ўрганиб бориш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришдан иборат.

2-модда. Ҳамкорлик соҳалари

Мазкур Меморандум доирасида Тарафлар қуйидаги йўналишларда ҳамкорликни амалга оширадilar:

коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари бўйича қонун ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан илмий асосланган таклифлар тайёрлаш;

амалдаги қонун ҳужжатларида коррупцияга олиб келувчи нормаларнинг мавжудлигини аниқлаш нуқтаи назаридан таҳлиллар ўтказиш;

коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалаларида қабул қилинган қонунчилик ҳужжатлари, давлат дастурлари ва бошқа дастурларда Тарафларга қўйилган вазифаларнинг ижроси самарадорлигини ошириш бўйича ҳамкорлик қилиш;

коррупцияга оид ва суд-ҳуқуқ соҳасидаги ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш мақсадида таҳлилий фаолиятни амалга ошириш;

давлат органлари ва ташкилотларининг коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ соҳасидаги ҳуқуқни қўллаш фаолиятини тизимли равишда ўрганиб бориш;

коррупциянинг ва суд-ҳуқуқ соҳасининг ҳолати, тенденциялари ва соҳалардаги самарадорликни оширишга оид социологик, махсус, илмий-амалий тадқиқотлар ҳамда бошқа турдаги тадқиқотлар ташкил этиш ва ўтказиш;

маҳаллаларда жиноятчиликнинг олдини олиш, криминоген вазиятни барқарорлаштириш борасида олимлар ва мутахассислар томонидан жойлардаги ўрганишлари натижаси бўйича ишлаб чиқилган амалий тадқиқотларни қонунларда акс эттириш масаласида ҳамкорлик қилиш;

коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ соҳага доир халқаро рейтинг ва индексларда Ўзбекистон Республикасининг ўрнини яхшилашга

қаратилган самарали тадқиқот ва тадбирларни ўтказиш;

коррупция ва суд-ҳуқуқ соҳасидаги халқаро ҳужжатлар, энг илғор хорижий тажрибалардан келиб чиқиб ташаббускор режаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

аҳоли ва давлат хизматчиларининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан ҳуқуқий иммунитетни шакллантириш, ёш авлод онгига ҳалоллик қадриятларини сингдириш;

Академия профессор-ўқитувчилари, талабалари ва тингловчиларининг қонунчилик ижодкорлиги амалиёти билан яқиндан таништириш мақсадида Қонунчилик палатасида сайёр ташрифлар, ўқув машғулоти, стажировкалар ташкил этиш.

Тарафлар келишувига кўра, ушбу Меморандум мақсадига зид бўлмаган бошқа тадбирлар ҳам ўтказилиши мумкин.

3-модда. Ҳамкорликнинг амалга оширилиши

Тарафлар Меморандумнинг 2-моддасида белгиланган ҳамкорликдаги тадбирларни тизимли равишда амалга ошириш мақсадида манзилли ва даврий чора-тадбирлар дастурларини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди.

Тарафлар ушбу меморандум доирасида тасдиқланган чора-тадбирлар дастурларини самарали амалга ошириш учун масъул вакилларни ажратади, ҳар бир тадбир бўйича аниқ ижрочиларни, даврий муддатларни белгилайди, зарурат бўлганда ишчи гуруҳлари тузади, уларнинг таркибига ҳамкорларни киритиш чораларини кўради.

4-модда. Молиявий масалалар

Ушбу Меморандумнинг шартлари жамоатчилик асосида ташкил этилади ва моддий харажатларни талаб этмайди.

Меморандум доирасидаги чора-тадбирларни амалга оширишда юзага келиши мумкин бўлган харажатлар ҳар бир Тарафнинг ўзига тегишли қисми бўйича ёхуд ўзаро келишувга мувофиқ қопланади.

5-модда. Ўзгартириш ва қўшимчалар

Ҳар бир Тараф ушбу Меморандумга ёхуд унинг бир қисмига ўзгартириш ёки қўшимча киритишни ёзма равишда таклиф этиши мумкин.

Тарафлар ўзаро келишган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма равишда ушбу Меморандумнинг ажралмас қисми ҳисобланадиган ва Тарафлар белгилаган кундан бошлаб кучга кирадиган баённома шаклида расмийлаштирилади.

6-модда. Низоларни ҳал қилиш

Мазкур Меморандум қоидаларини талқин қилиш, бажариш ва қўллашда Томонлар ўртасида вужудга келадиган ҳар қандай келишмовчилик ёки низолар ўзаро маслаҳатлашувлар ва (ёки) музокаралар йўли билан дўстона равишда ҳамжиҳатлик асосида ҳал қилинади.

Тарафларнинг ушбу Меморандумни имзолашлари улар учун ҳеч қандай юридик мажбуриятларни юклатмаслиги ва молиявий мажбуриятларни вужудга келтирмаслиги ҳақида келишиб олдилар.

7-модда. Меморандумнинг кучга кириши, амал қилиши ва ўз кучини йўқотиши

Ушбу Меморандум имзоланган кундан бошлаб кучга киради ва навбатдаги парламент сайловига қадар амал қилади.

Янги парламент шакллангандан сўнг, Академия ва Қўмита ёзма равишда келишган ҳолда мазкур меморандумни амал қилишини кейинги сайловга қадар узайтириши мумкин.

Тарафлардан бири Меморандумдан чиқиш истагини ёзма равишда иккинчи Тарафга жўнатади ва уни амал қилиш муддати 3 (уч) ойдан сўнг тўхтатилади. Бунда Меморандум доирасида тасдиқланган амалдаги чоратадбирлар дастурлари ҳам ушбу муддат тамомланган кунда тўхтайди.

Ушбу Меморандум 2025 йил «9» апрель куни Тошкент шаҳрида ўзбек тилида бир хил икки асл нусхада тузилди.

**Ўзбекистон Республикаси Олий
Мажлиси Қонунчилик палатаси
Коррупцияга қарши курашиш
ва суд-ҳуқуқ масалалари
қўмитаси раиси**


Ж.Ж.Ширинов
Тошкент шаҳри,
Бунёдкор шох кўчаси, 1-уй



**Ўзбекистон Республикаси
Ҳуқуқни муҳофаза қилиш
академияси бошлиғининг
биринчи ўринбосари**


Е.В. Коленко
Тошкент шаҳри,
Рихсий кўчаси, 9-уй

